



«ГАС ДИКЛАЙМАН»

Управление бош мухандиси

К. Рахимов

2022 йил

**Текущий ремонт Гидропостов по отделения Управления
ишлари бажарувчи ташкилотга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

Хоразм-2022 йил

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Энг яхши таклифларни ишлаб олиш предмети

Харид комиссияси уз фаолиятини Узбекистан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тугрисидаги УРК-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва утқазиш тартиби тугрисидаги низом (руйхат рақами 3016. 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади,

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий максадлари қуйидагича:

Энг яхши таклифларни танлаб олишни утқазиш очик турда булиб, объектда бажариладиган ишларни амалга ошириш буйича танлов утқазиш кузда тутилган.

Тупламлар сони; 1-комплект

Хизматларининг бошлангич нархи ва бажариладиган ишларнинг тафсилоти техник топширикда курсатилган.

Барча бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар, муҳандислик геологияси, гидрогеология ҳулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизасидан утқазиш, қушимча (газ, сув, электр, бурги кудуги ва хлс) лойиҳа ҳужжатлари (талаб этилганда). муаллифлик назорати ишлари, техник курик (талаб этилганда) ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза куригидан утқазишни молиялаштириш ва ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим,

Хизмат курсатиш муддати: **20** кун.

Бюджет маблағлари ҳисобидан объектда бажариладиган ишларни амалга ошириш хизматини курсатувчи ташкилотни аниқлаш буйича энг яхши таклифларни танлаб олишни утқазишда максад, мазкур объектда ишларни бажариладиган ташкилотни аниқлаш.

Буюртмачи – Давлатлараро Амударё ирригация каналлар бошқармаси:

Манзили: Аз-Замахшарий кучаси 63 уй

Танловни ташкил этиш ва утқазиш учун масъул шахс –
Тел: (97) 791-50-68

Давлат буюртмачиси

мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг хизматнинг) бошлангич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган доллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда <https://etender.uzex.uz/> Веб сайт порталига ва узининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш:

харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатини киритишни талаб килиш;

харид килиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тавдим этиш муддатларини узайтириш;

конунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал килиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат килиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси конунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид килиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул килиши;

конунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши; давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни конунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга конунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид килиш тартиб-таомилларининг қолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

булажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизими (<https://etender.uzex.uz/>)га ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

Харид комиссияси

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид килиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул килиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид килиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказди, агар харид килиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган

холда қарор қабул қилади:

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади:

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;
харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур бўлганда захирадаги ҳолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

Ихтисослашган ташкилот

Ихтисослашган ташкилот қуйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нарҳини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказди;

реклама ишларини ташкил этади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилларининг турини таклиф қилади;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимига ва махсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;

ҳолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма топширигига кўра булажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма топширигига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига уз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилади;

харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш яқунлари бўйича ҳисоботлар тузади;

харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини таъминлайди.

Давлат харидларида коррупцияга йул қўймаслик

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчи

давлат харидлари туғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш:

давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича суровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш:

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳудудига эга;

давлат харидлари туғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши; харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатлари тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор туғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

Давлат харидларининг ижрочиси

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани бажариш жараёнида тушунтиришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;

етказиб берилган товар (иш. хизмат) учун ҳақ олиш;

шартнома шартларига мувофиқ ва (ёки) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга;

қонунчилик талабларига риоя этиш;

шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;

асосий бенефициар мулкдор туғрисидаги маълумотларни ошкор этиши. шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.

Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблар ва тақдим этилиш лозим бўлган ҳужжатлар

Иштирокчи таклифларни тайёрлайди ва харид комиссиясига электрон тартибда тақдим этади.

Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Харид комиссиясининг сўровига кўра).

Иштирокчиларнинг малака кўрсаткичлари ва берилган таклифлари Харид комиссияси томонидан баҳоланади.

Иштирокчилар қуйидаги хужжатлар ёрдамида малака кўрсаткичлари ва таклифларни тақдим этиши лозим:

-корхона ва ташкилотларнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига кетишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;

-юримдик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

-Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси хақида умумий маълумотлар (1-шакл);

-Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (2-шакл);

-Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл);

-Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси (4-шакл);

-Ишларни бажаришда фойдаланадиган энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати (5-шакл);

-Қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (6-шакл);

-Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса кадастр хужжатлари, ижарада бўлса ижара шартнома (вилоят ҳудудида бўлиши шарт);

-Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи);

-Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъёмка, муҳандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизадан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр ва ҳ.к) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб эҳтилганда) ишларининг харажатлари рўйхати (тақдим этилмаса таклиф рад этилади).

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби-таклифларни балли методда баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

Захирадаги ғолиб-энг яхши таклифларни танлашда ғолибдан кейинги ўринда турадиган паст балл тўплаган иштирокчи.

Танлашда қуйидаги иштирокчиларнинг таклифлари рад этилади:

-юримдик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган;

-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

-шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида булган;
- ишлаб чиқариш базаси, офиси, оргтехника ва ўлчов асбоблари бўлмаса (бошқа вилоят худудида бўлса);
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлар мавжуд бўлса;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;
- аввалги буюртмаларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқозининг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсни ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

Махфийлик

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими узининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

Танлаш ҳужжатиининг таркиби

Иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатиини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

Комиссияеи иштирокчининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камда 3 кун олдин сўров маибасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Давлат буюртмачисеи харид комиссияеи билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камда уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Танлашда қатнашнинг харажатлари

Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф) га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияеи томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

Танлашда қўлланиладиган тил

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон тарзда

киритилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чогида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа таъбири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатлари асосида такдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида такдим этиши лозим.

Муқобил таклифлари

Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга булган маҳсулот(хизмат) қуринишида берилган таклифлар қуриб чиқилмайди.

Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи ўзининг ЭРИ қалити билан онлайн тарзда қатнашади.

Танлашни ўтказиш

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан қуриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори булган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган қаида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини қуриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан уч иш қунидан ошшиш мумкин эмас.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда танлаш шартлари, талаблари, қўриқилган ахборот тартиби

буюртмачисен томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали оркали давлат харидларининг электрон тизимига, шунингдек давлат буюртмачисининг хохлишига кўра — унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юкори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид килиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чикиб, давлат буюртмачисе танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узокрок муддатга жойлаштиришга ҳадли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчилиққа зид булмаган бошқа ахборотларни ҳам уз ичига олиши мумкин.

Танлов таклифларини топиришнинг охириги муддатига 3 кун колгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар куриб чиқилмайди ва рад этилади.

Танлаш таклифларини баҳолаш ва голибни аниқлаш

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш голибни аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Комиссия танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ голибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги голиб аниқланиши мумкин.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда харид комиссияси эътирозларни куриб чиқади ва

тегишли карор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тавдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш кунни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларининг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан юқори бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

Танлаш натижаларини расмийлаштириш

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Қолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга зақалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги қолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги қолибга ўтади. Бунда захирадаги қолиб қолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги қолиб таклиф этган нарх қолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги қолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги қолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи _____

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Рўйхатдан ўтган рақами, санаси ва жойи _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Т/р	Ф.И.Ш.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишдаги (а/йўлларини таъмирлаш соҳасидаги) иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида ни тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

Т/р	Ф.И.Ш.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишдаги (а/йўлларини таъмирлаш соҳасидаги) иш тажрибаси (йил)	Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида ни тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Допмий ишчи ходимлар (ишчилар)

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассисл иклар ва разрядлар бўйича	Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлари	Улардан (4-устундан) Қурилишда (а/йўлларини таъмирлаш соҳасидаги) 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			

Қадрлар бўлими бошлиғи _____

/имзо ва муҳр/

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ ” _____ 20 й.

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари томонидан ишчи ходимларнинг mehnat.uz порталидан QR-кодли меҳнат дафтарчасини (эълон жойлаштирилган санадан кейинги санада юқлаб олинган шарт), диплом нуسخасини, буйруқ нуسخасини жойлаштириши шарт. Ҳар бир оғрақ муҳр билан тасдиқлангани шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт. Ҳар бир ходим бўйича сўрилган хужжатлар тўлиқ шова қилинмаганда нол баля қўйилади.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга охириги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги
ҳисоботлар илова қилинади)

(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчининг номи)

(бухгалтерия баланси №1-сонли шакл)

Минг сўмда.

АКТИВЛАР	2019й	2020й	2021й	ПАССИВЛАР	2019й	2020й	2021й
Узоқ муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар(010 сатр)				Устав фонди (410+420+430+440) сатр)			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Таксимланмаган фойда (450 сатр)			
Қолдик қиймат (130 сатр)				Мажбуриятлар			
Капитал қўйилмалар(100сатр)				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (160 сатр)				Кредитор қарздорлик (600 сатр)			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик(602 сатр)			
Айланма маблағлар (390сатр)				Шундан бюджетдан қарздорлик(680 сатр)			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари (150 сатр)				Шундан иш ҳақидан қарздорлик (720 сатр)			
Дебитор қарздорлик(210сатр)							
Шундан муддати ўтган қарздорлик(211 сатр)							
Жами баланс активи бўйича(400 сатр)				Жами баланс пассиви бўйича(780 сатр)			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

(Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот №2-сонли шакл)

Минг сўмда.

Номи	2019й	2020й	2021й	Номи	2019й	2020й	2021й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда (270 сатр)(1)+(2)			
2. Реализациядан олинган соф тушум(010 сатр)				Шундан асосий фаолият бўйича (1)			
3. Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи(020 сатр)				Умумхўжалик фаолият бўйича (2)			
4. Маъмурий харажатлар (060 сатр)				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда (100 сатр)			
5. Бошқа харажатлар (070 сатр)				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(220 сатр)			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда(240 сатр)				11. Зарар			
7. Даромад солиғи (250 сатр)				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Охириги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб
борилганми? _____

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот.

Минг сўмда.

СТНР	Ташкилот тифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (2021 йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари.											
		Асосий воситалар қолдиқ (баланс қиймати) Ф-1, 012-сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) = 5/(6-7)	Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (0,20) = (9+10+11-12)/13	Бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар					
				390-сатр	770-сатр	490-сатр		480-сатр	570-сатр	580-сатр	130-сатр	390-сатр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{Жорий (айланма) активлар}{жорий мажбуриятлар} = \frac{A2}{(П2-ДО)},$$
 бунда:

$A2$ - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу қабилар); баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

$П2$ - мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлими, 770-сатр;

$ДО$ - узок муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1+Дзк2-A1)}{A2},$$
 бунда:

$A1$ - узок муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал кўйилмалар ва шу қабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

$П1$ - ўз маблағлари манбалари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу қабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

$Дзк2$ - узок муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрлари йиғиндиси).

$A2$ - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу қабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махражи - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффициентини 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблаглари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

Мухр

Сана: « _____ » _____ 20 _____ й.

Изоҳ: Энг яхши таклифларни танлаш шитирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий ҳулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ва молиявий натижалар ҳисоботларининг нусхалари солиқ томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга тақдим этилиши шарт. Ҳар бир варақ муҳр билан тасдиқланиши шарт. Намунада кўрсатишган шакл бўлиши шарт.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ХОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизматлар)ни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри),минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
Х		Х	Х	Х
2021 йил якуни бўйича	Х			
Жорий йил (2022 йил) охири ҳисобот даври бўйича	Х			
Жами	Х			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси
камерал назорат бўлими бошлиғи

Мухр

Изоҳ: Иловада келтирилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг 2021 йил якуни бўйича ва жорий йил охири ҳисобот даври бўйича ДСИга топширилган чораклик ходимларнинг ўртача сони ва иш ҳақи жамғармаси кўрсатилган ва ДСИ томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт. (Охири ҳисобот даври кўрсатилмаганда ушбу шакл ҳисобга олинмайди)

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(Энг яхши таклифларни танлаш широкчилигини кўрсатиш)

Т/р	Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якулланиш санаси	Буёртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган сана “__” _____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____

(бош ҳисобчи имзоси)

Мухр

Изоҳ: Маълумотлар энг яхши таклифларни танлаш широкчилиги томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган иш(хизмат)лар далолатномалари ёки ҳисоб-фактуралар асл нусхаларидан сканер (PDF-кўринишида) тақдим этилиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАЛЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА
МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

T/P	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансда ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						
КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Жами						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” 202__ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга қурилиш техникасининг Энг яхши таклифларни таллаш иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, ижара ва лизинг шартномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳаси бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

3. Моддий-техник воситалари корхонага тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар (техник паспорт тўлиқ кўриниши) асл нусхаларидан сканер (PDF-кўринишида) тақдим этилиши шарт. Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт.

ҚУРИЛИШ (ТАЪМИРЛАШ)

ОБЪЕКТНИ

(эне яхши таклифларни танлаш объект номи)

КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА.

Ушбу билан тасдиқланадики, мен _____

(Ф.И.О., лавозими.)

томонидан

20 _____ йил

_____ да берилган ишончномага асосан куйидагиларни батафсил ўргандим:

а) Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини;

б) лойиха хужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш (таъмирлаш) объекти билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Қатнашчининг ваколатли вакили: _____

(Ф.И.О)

ИМЗО

Буюртмачининг ваколатли вакили: _____

(Ф.И.О)

ИМЗО

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: " _____ " _____ 2021 й.

Мухр

Изоҳ: Намунада кўрсатилган шакл бўлиши шарт. (қўшимча объект фото сурати ва бошқа маълумотлар илова қилиниши мумкин) объектни номи ва объектни кўрган саналари ёзилмаганда ушбу шакл инобатга олинмайди.